



Kattaqo'rg'on tumani, Kadan qo'rg'oni,  
Mustaqillik ko'chasi, 33-uy.

Protected by PDF Anti-Copy Free  
(Upgrade to Pro Version to Remove the Watermark)

33 Mustaqillik street, Kadan township,  
Kattakurgan district

Тел: (0-366) 414-31-19,

e-mail: [i.kattaqurgon@sud.uz](mailto:i.kattaqurgon@sud.uz)

Ўзбекистон Республикаси Номидан  
PDF  
Қарор

2022 йил 8 июнь

Каттақўрғон тумани

4-1402-2201/533-сонли иш

Каттақўрғон туманлараро иқтисодий судининг судьяси Й.Т.Норбековнинг раислигида, судья ёрдамчиси И.Улжаевнинг суд мажлиси котиблигида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармасининг даъвогар “Оқтошдон” АЖ манфаатида жавобгар А фермер хўжалигига нисбатан жами 19142515 сўм ундириш тўғрисидаги даъво аризаси асосида қўзғатилган иқтисодий ишни “Оқтошдон” АЖ Каттақўрғон филиали маъмурий биносида очик сайёр суд мажлиси муҳокамасида, даъвогар “Оқтошдон” АЖ вакили З.Негматов иштирокида кўриб чиқиб, суд қуйидагиларни,-

#### А Н И Қ Л А Д И:

Каттақўрғон туманлараро иқтисодий судига Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармаси даъвогар “Оқтошдон” АЖ манфаатида жавобгар А фермер хўжалигига нисбатан даъво аризаси билан мурожаат қилиб, даъво талабида жавобгар А фермер хўжалиги ҳисобидан даъвогар “Оқтошдон” АЖ фойдасига шартномага асосан етказиб берилган ғалла уруғи, минерал ўғитлар ҳаққини яъни 19142515 сўм қопланмаган бунак ва олдиндан тўлаб чиқилган 21 600 сўм почта харажати ундиришни сўраган.

Суд мажлисида иштирок этган даъвогар судга солиштирма далолатнома тақдим этиб, жавобгар суд муҳокамасига қарзини тўлаб бермагани боис, суддан даъво аризани тўлиқ қаноатлантиришни сўради.

Тегишли тартибда хабардор қилинган жавобгар суд мажлисига вакил иштирокини таъминламади. Суд Ўзбекистон Республикаси ИПҚнинг 170-моддасига асосан ишни жавобгар иштирокисиз мавжуд ҳужжаилар асосида кўриб чиқишни лозим деб топди.

Суд даъвогар фикрини тинглаб, иш ҳужжатларини ўрганиб, қуйидаги асосларга кўра даъво аризани тўлиқ қаноатлантиришни лозим деб ҳисоблайди.

Иш ҳужжатларидан аниқланишича, даъвогар “Оқтошдон” АЖ ва жавобгар А фермер хўжалиги ўртасида “Бошоқли дон харид қилиш бўйича шартнома” тузилган.

Шартнома шартига кўра, “Оқтошдон” АЖ томонидан жавобгар А фермер хўжалиги бошоғли дон етиштириш учун бошоқли дон ўруғи ва керакли минерал ўғитларни бунак сифатида етказиб берган.

Шартноманинг 3.3-бандида, “Хўжалик” уруғлик қийматининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан, қолган фоизини уруғликни олган пайтдан бошлаб 60 кундан кечиктирмасдан тўлаб бериши лозимлиги кўрсатилган.

Иш ҳужжатларига илова қилинган ҳисобфарағ фактураларга кўра, жавобгар уруғлик ғаллани ва минерал ўғитларни бунак сифатида 2021 йил сентябр ойдан декабр ойига қадар қабул қилиб олган. Шу боис, даъвогар олдиндан олинган бунак ҳисобидан 19142515 сўм қарз бўлиб қолган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 236-моддасида мажбуриятлар мажбурият шартлари ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганда эса-иш муомиласи одатларига ёки одатига қўйилган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак деб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118-моддасига асосан, суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади.



Суд даъвогар фикрини тинглаб, иш хужжатларини ва судга тақдим этилган хужжатларни ўрганиб, даъво аризани қаноатлантиришни, жавобгар А фермер хўжалиги ҳисобидан даъвогар “Оқтошдон” АЖ фойдасига 19142515 сўм асосий қарз, олдиндан тўлаб чиқилган 21600 сўм почта харажати ундиришни, жавобгар А фермер хўжалиги ҳисобидан давлат бюджетига (Суд ҳокимияти ривожлантириш жамғармасига) 382850.3 сўм давлат божи ундиришни лозим деб топди.

Юқоридагиларга асосан ва Ишқўзғатнинг процессуал кодексининг 113, 176-180, 186-моддаларига асосланиб, суд,



р қ и л д и :

Даъво ариза қаноатлантирилсин.

Жавобгар А фермер хўжалиги ҳисобидан даъвогар “Оқтошдон” АЖ фойдасига 19142515 сўм асосий қарз, олдиндан тўлаб чиқилган 21600 сўм почта харажати ундирилсин.

Жавобгар А фермер хўжалиги ҳисобидан давлат бюджетига (Суд ҳокимияти органларини ривожлантириш жамғармасига) 382850.3 сўм давлат божи ундирилсин.

Ҳал қилув қарори қонуний қучга киргач, ижро варақаси берилсин.

Ҳал қилув қароридан норози томон бир ойлик муддат ичида Каттақўрғон туманлараро иқтисодий суди орқали Самарқанд вилоят судига апелляция тартибида шикоят беришга (протест келтиришга) ҳақли.

Судья

Й.Т.Норбеков

